

<https://hstryres.uz/journal/index.php/makro>

2026, № 4 (17)

ISSN-3030-3761



ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
Илмий журнали

ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
Научный журнал

HISTORICAL RESEARCHES
Scientific journal

ТОШКЕНТ-2026

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосори:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief editor:

Шакиров Иляс Рахимзянович
т.ф.ф.д., (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ
EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор, Академик
Ўзбекистон Миллий университети
Сулейманов Рустам Хамидович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Муминов Алишер Гаффарович
Сиёсий фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Зуев Андрей Сергеевич
тарих фанлари доктори, профессор
Новосибирск Давлат университети
Ишанхуджаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Холиқулов Ахмад Баймаҳаматович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Габриэльян Софья Ивановна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Убайдуллаева Барно Машрабжоновна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Очилдиев Файзулла Бобоқулович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Саидбобоев Зокиржон Абдукаримович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Азизов Илдар Рафаэлевич
Сиёсий фанлари доктори (DSc)., доцент
Бизнес ва тадбиркорлик Олий мактаби

Гаффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети
Сиддиков Равшан Бердимуратович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Тухтабеков Козимбек Азимбекович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Бабабеков Акбар Давурбаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети
Бахранов Шерзод Таштурсунович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Жамоат ҳафсизлиги университети
Алиазарова Дилдора Валишеровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Холиқулова Шахноза Боймуҳамматовна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Навоий Давлат педагогика институти
Нормуродов Дилмурод Раҳматуллаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Абдулаева Нигора Санжаровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Америка технологиялар университети
Тоғаев Жасур Эркинович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Усаров Умид Абдумавлянович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Эшқувватов Бобир Валикул ўғли
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)., доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Контакт редакции журнала
Город Ташкент, улица Мирзо Голиба,
Исторический факультет
Национального Университета
Узбекистана имени Мирзо Улугбека
Web: <https://hstryres.uz/journal/>
E-mail: I.Shakirov91@mail.ru
Тел: +998900382203

Contact Editors of journal
Tashkent city, street of Mirzo Golib,
Faculty of history of the National
university of Uzbekistan named after
Mirzo Ulugbek
Web: <https://hstryres.uz/journal/>
E-mail: I.Shakirov91@mail.ru
Phone: +998900382203

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1	Sirojov Bahodir Nishon o'g'li THE SPECIFIC FEATURES OF THE MONETARY REFORM IMPLEMENTED BY ABDULLAH KHAN II	4
2	Суярова Феруза Собир кизи ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛИЙ САНЪАТ ВА ХУНАРМАНДЧИЛИКНИНГ ТИКЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИНИНГ ХУҚУҚИЙ-МЕЪЁРИЙ АСОСЛАРИ	9
3	Тухтабеков Козимбек Азимбекович ШАЙБОНИЙХОН ДАВРИ МЕЪМОРЧИЛИГИ: САМАРҚАНДДАГИ МУҲАММАД ШАЙБОНИЙХОН МАДРАСАСИ (МАДРАСА-ЙИ ОЛИЯ) ТАРИХИ	17
4	Тухтабеков Козимбек Азимбекович ШАЙБОНИЙЛАР СУЛОЛАСИ ТАРИХИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ НАЗАРИЙ- МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ	27
5	Узаков Бахром Нигматович ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ДАВРИДА ҚАШҚАДАРЁДА КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ	36
6	Xayitov Zafar Uzakovich MENANDRNING “TARIX” ASARI ILK VIZANTIYA DIPLOMATIYASI BO‘YICHA MANBA SIFATIDA	45
7	Shaydullayeva Guljahon Shapulatovna., Rahmonqulova Zumrad Boyxurazovna OKSNING ENEOLIT VA BRONZA DAVRI TABIIY SHAROITI VA IQLIM O‘ZGARISHLARI	53
8	Шакиров Ильяс Рахимзянович ИСТОРИЧЕСКИЕ ЭТАПЫ ФОРМИРОВАНИЯ ВЬЕТНАМСКОЙ ИДЕНТИЧНОСТИ: ОТ КИТАЙСКОГО ВЛИЯНИЯ ДО НЕЗАВИСИМОСТИ	61
9	Eralov Azamat Jomurodovich O‘ZBEKISTON TURIZMINI RIVOJLANISHIDA BUXORO ETNOTURIZMINING AHAMIYATI	68
10	Эргашева Юлдуз Алимовна ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ДАВРИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ: ИНСТИТУЦИОНАЛ ЎЗГАРИШЛАР ВА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ	74
11	Eshtemirov Jasurbek Suyunkulovich INTRODUCTION OF NEW RULES AND CHANGES IN THE ADMINISTRATIVE AND POLITICAL MANAGEMENT OF THE CITY OF KARSHI UNDER THE SUBORDINATION OF THE BUKHARA EMIRATE TO THE RUSSIAN EMPIRE	81
12	Эштемиров Жасурбек Суюнкулович ПОРЯДОК СБОРА НАЛОГОВ И ПОДАТЕЙ В ГОРОДЕ КАРШИ В ПОСЛЕДНИЙ ПЕРИОД СУЩЕСТВОВАНИЯ БУХАРСКОГО ЭМИРАТА (1900–1920 ГГ.)	88
13	Эшқувватов Бобир Валикул ўғли МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХРИСТИАН КОНФЕССИЯЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ ВА УЛАРНИНГ ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ЎРНИ	97

Тухтабеков К. А.

«Ўзбекистон тарихи» кафедраси доценти, т.ф.н.

Ўзбекистон Миллий университети

kozimazimbek@mail.ru

ШАЙБОНИЙХОН ДАВРИ МЕЪМОРЧИЛИГИ: САМАРҚАНДДАГИ МУҲАММАД ШАЙБОНИЙХОН МАДРАСАСИ (МАДРАСА-ЙИ ОЛИЯ) ТАРИХИ

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Шайбонийлар сулоласи даври меъморчилиги Самарқанддаги Муҳаммад Шайбонийхон мадрасаси (Мадраса-йи Олия, Хон мадрасаси) мисолида тадқиқ этилади. Мадрасанинг қурилиш тарихи, унинг молиявий манбалари, қурилиш босқичлари (Шайбонийхон, Муҳаммад Темур Султон, Меҳр Султон хоним даврлари), меъморий тавсифи ҳамда бионинг XVII–XX асрлардаги тақдири вақфнома, нарратив манбалар (Рўзбеҳон, Восифий, Муҳаммад Солих, Муҳаммад Ҳайдар) ва замонавий тадқиқотлар (Мукминова, Давидович, Вяткин ва бошқалар) асосида тизимли таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: Шайбонийлар сулоласи, Муҳаммад Шайбонийхон, Мадраса-йи Олия, Самарқанд меъморчилиги, вақфнома, манбашунослик.

КИРИШ

«Катта шаҳарлардан» бири ва қўплаб олиму фузало етишиб чиққан марказ сифатида тан олинган Самарқанд шаҳри Шайбонийлар, Аштархонийлар ва Манғитлар сулоалари ҳукмронлиги даврида кечган сиёсий жараёнларда муҳим роль ўйнашда давом этди. XVI аср бошида Мовароуннахр ва унга туташ ерларни бўйсундирган Муҳаммад Шайбонийхон, ҳарбий-қўчманчи анъанага хос «отимизнинг эгари – бизнинг пойтахтимиз» иборасини ишлатган бўлса-да, амалда Самарқанд янги сулоланинг бош шаҳри вазифасини бажаришда давом этди.

Мавзунинг долзарблиги шундаки, Шайбонийлар даврида, хусусан Муҳаммад Шайбонийхоннинг қисқа ҳукмронлиги йилларида Самарқандда амалга оширилган меъморий фаолият, жумладан унинг номи билан боғлиқ Мадраса-йи Олия (Хон мадрасаси) тарихи ҳанузгача тарқоқ манбалар асосида, тизимли равишда яхлит тадқиқ этилмаган. Турли даврларда яратилган нарратив манбалар (вақфнома, Рўзбеҳон, Восифий ва бошқалар) ўртасидаги тафовутлар ҳамда бино тақдирига оид маълумотларнинг парчаланганлиги мавзуни махсус ўрганишни тақозо этади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги шундан иборатки, унда вақфнома маълумотлари, бир нечта нарратив манба (Рўзбеҳон, Восифий, Муҳаммад Солих, Муҳаммад Ҳайдар, «Зубдат ул-асрор») ва замонавий тадқиқотлар (Р.Г.Мукминова, Е.А.Давидович, В.Л.Вяткин, Г.А.Пугаченкова ва бошқалар) биринчи марта ягона хронологик тизимга солиниб, мадраса қурилишининг тўлиқ босқичма-босқич манзараси тикланди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти Самарқанд меъморчилиги тарихи, музейшунослик ва тарихий-маданий меросни сақлаш соҳасида, шунингдек олий таълим муассасаларида Ўзбекистон санъати ва меъморчилиги тарихи бўйича ўқув материали сифатида фойдаланилиши мумкинлигидадир.

Мақсад – Шайбонийхон даврида Самарқандда амалга оширилган меъморий фаолиятни, хусусан Муҳаммад Шайбонийхон мадрасаси мисолида, унинг қурилиш тарихи, молиявий манбалари ва кейинги тақдири нуқтаи назаридан тизимли таҳлил қилиш. Вазифалар: даврнинг умумий меъморий контекстини аниқлаш; мадраса қурилишининг бошланиши ва босқичларини хронологик тартибда тиклаш; қурилиш учун ажратилган маблағларнинг манбаларини аниқлаш; бинонинг XVII–XX асрлардаги тақдирини ёритиш; мавзуга оид манбаларни қиёсий таҳлил қилиш.

Мақолада қуйидаги методлардан фойдаланилди: танқидий манбашунослик методи – вақфнома ва нарратив манбаларнинг ҳар бирини яратилиш мақсади ва муаллифининг мавқеини ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилиш учун; хронологик метод – қурилиш босқичларини вақт кетма-кетлигида тиклаш учун; қиёсий-тарихий метод – турли манбалардаги маълумотларни ўзаро солиштириш учун; тарихий-меъморий таҳлил методи – бинонинг тавсифий маълумотларини меъморий-услубий контекстда баҳолаш учун; тизимли ёндашув – ёзма манбалар, ҳужжатли манбалар (вақфнома) ва тадқиқотчилар томонидан тўпланган археологик-меъморий маълумотларни бирлаштириш учун.

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ

Шайбонийлар даври меъморчилигининг умумий тавсифи

Темурийлар давлатининг Мовароуннаҳрдаги асосий ерларини эгаллаган Шайбонийлар сулоласи, кўчманчи анъаналарга содиқ қолган ҳолда ҳам, Самарқанд ва Бухоро каби йирик шаҳарларнинг сиёсий-маданий марказ мақомини сақлаб қолди ва бу шаҳарларда фаол қурилиш ишларини давом эттирди. Бу давр меъморчилиги кўп жиҳатдан темурий меъморий анъаналарнинг давомчиси бўлса-да, янги сиёсий шароит ва ҳомийлик тизими таъсирида ўзига хос хусусиятлар касб этди.

Давр меъморчилигининг йирик намуналаридан бири сифатида Бухородаги Мир Араб мадрасасини кўрсатиш мумкин – у 1530–1536 йилларда Бухоро хони, шоир Убайдуллахон ажратган маблағ ҳисобига шайх Абдуллоҳ (Мир Араб) томонидан қурдирилган. Бу каби намуналар Шайбонийлар сулоласи вакиллариининг диний-таълим муассасалари қурилишига ҳомийлик қилиш анъанасини давом эттирганини кўрсатади – бу анъана, хусусан, Муҳаммад Шайбонийхоннинг Самарқанддаги фаолиятида ҳам яққол намоён бўлди.

Муҳаммад Шайбонийхон мадрасаси: қурилиш тарихи ва номланиши

Муҳаммад Шайбонийхон ўзининг нисбатан қиска ҳукмронлиги даврида пойтахт шаҳардаги қурилишларга алоҳида эътибор қаратди, жумладан унинг топшириғи билан Самарқандда мадраса – Мадраса-йи Олия барпо этилди.

Мазкур мадраса замондошлар томонидан турлича – Мадраса-йи Олия, унинг бунёдкори номи билан Муҳаммад Шайбонийхон ёки Шох Муҳаммадхон мадрасаси, баъзан қисқача Хон мадрасаси деб номланган. Арк билан бирлаштирилган иккита бино яхлит ҳолда «Қўш» (жуфт) деб аталган[1]. Мадраса тахминан XX аср бошларигача сақланиб қолган, аммо мавжудлик даврида дастлабки тарҳига нисбатан бир неча бор қайта қурилиб, ўзгаришларга учраган.

Вақфнома маълумотларига кўра, Мадраса-йи Олия Чорсу яқинидаги Бобо Худойдод маҳалласида барпо этилган[2] бино хизматчилари ва тингловчиларнинг шариат илмларини эгаллаши учун мўлжалланган бир қатор хона ва хужралардан иборат бўлган.

Самарқанд шаҳрининг Муҳаммад Шайбонийхон томонидан тўлиқ эгалланиши 1501 йилга тўғри келади, шу боис мадраса қурилишининг бошланиши ҳам айнан шу давр билан боғлиқ деб тахмин қилиш мумкин. Мадраса тўғрисидаги дастлабки ҳужжатли маълумот эса 1504 йилга оид: Шайбонийхон Хоразм юришидан қайтишда ёлғиз укаси Маҳмуд Султоннинг вафоти хабарини эшитади ва унинг жасадини Самарқандга, ўзи қурдираётган мадраса ҳовлисида дафн этишни буюради.

1508–1509 йиллар воқеаларини ёритувчи «Меҳмонномаи Бухоро» асарининг муаллифи Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳон мадрасани («Мадраса-йи Олия» ёки «Хон мадрасаси» деб номлаб) зарҳал том, хужралар, айвон ва катта ҳовлидан иборат эканини қайд этади[3] ҳамда мадрасада катта йиғилиш бўлганини, унда бевосита Шайбонийхон ва муаррихнинг ўзи ҳам иштирок этганини ёзади – бу далил мадраса қурилиши хон ҳаётлигидаёқ асосан якунланганини кўрсатади.

Қурилиш учун молиявий манбалар: ҳарбий юришлар ва ўлжалар

Темурийлар давлатининг асосий ерларини эгаллаганидан сўнг, Муҳаммад Шайбонийхон кўшни тоғли ҳудудларни (Ҳисор ва Бадахшон) ҳам ўз давлатига қўшиб олишга ҳаракат қилди. Бу юришга у иниси Маҳмуд Султонни, шунингдек шоир ва тарихчи Муҳаммад Солиҳни ҳам жалб этди.

Муҳаммад Солиҳ ҳамда муаллифи номаълум «Таворих-и гузидаи нусратнома» асарларида ушбу ҳудудларга уюштирилган юришлар натижасида ўнлаб минг бош қўй ва от, кўплаб асирлар, шунингдек Бадахшон ёкути, тилло, дур ва атлас каби қимматбаҳо буюмлар қўлга киритилгани қайд этилади[4]. Қўлга киритилган бойлик шу даражада кўп бўлганки, Шайбонийхон уни бошқалар эгаллаб олишидан хавотирланиб, шахсан ўзи Мовароуннаҳргача кузатиб борган.

Муҳаммад Солиҳнинг таъкидлашича, тоғлик аҳолининг бир қисми шиа мазҳабига мансуб бўлгани унга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш ва аҳолининг бир қисмини қўлга айлантиришга сабаб бўлган[5]. «Зубдат ул-асрор» асарида эса Балх шаҳрининг эгалланиши натижасида қўлга киритилган бойлик шу даражада катта бўлганки, уни санаш имконсиз бўлиб, тарозида тортиб тарқатилгани келтирилади[6].

Манбаларда келтирилган рақамлар муайян даражада бўрттирилган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Шунга қарамай, айнан ушбу ҳарбий юришлар

давомида қўлга киритилган моддий бойликлар Муҳаммад Шайбонийхонга ўз даври учун маҳобатли ҳисобланган қурилиш ишларини, жумладан унинг номи билан боғлиқ мадраса ва унга туташ бинолар қурилишини амалга ошириш имконини берган деб хулоса қилиш мумкин.

Қурилишнинг якунланиши: Муҳаммад Темур Султон ва Меҳр Султон хоним даври

1510 йил охирида Муҳаммад Шайбонийхон Шох Исмоил Сафавий билан бўлган жангда мағлубиятга учраб ҳалок бўлди. Хоннинг боши танасидан жудо қилиниб, жасади Самарқандга – унинг ўзи барпо этган мадрасадаги хилхонага қўйилди.

Вақфномага кўра, мадрасадаги қурилиш ишлари Шайбонийхон вафотидан сўнг ҳам катта ўғли Муҳаммад Темур Султон томонидан давом эттирилди. 1514 йил 17 март куни Заҳириддин Муҳаммад Бобур қўшинининг қолдиқларини Ҳисоргача таъкиб қилиб борган Муҳаммад Темур Султон касалланиб вафот этди ва отаси барпо этган мадрасага дафн қилинди.

Вақфнома асарини чуқур ўрганиб таҳлил қилган Р.Г.Мукминованинг қайд этишича, Мадраса-йи Олия қурилиши Муҳаммад Темур Султон даврида ҳам тўлиқ якунига етмаган – бунинг асосий сабаби сифатида муаллиф тахт учун бораётган ўзаро курашларни кўрсатади[7]. Вақф ёрлиғига кўра, мадраса қурилиши ниҳоят Муҳаммад Темур Султоннинг рафиқаси Меҳр Султон хоним томонидан якунига етказилган.

1512 йилда Самарқандга ташриф буюрган Зайниддин Восифий Кўчқинжихон (1510–1530 йй.) даврида Самарқанддаги мадраса, хонақоҳ ва масжидларда таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилганини, шу жумладан айвонли, даҳлизли, кенг ҳовлили Муҳаммад Шайбонийхон мадрасасида ҳам шундай ишлар амалга оширилганини қайд этади [8]. Шу маълумотлар асосида қурилиш ишлари 1512–1513 йилларда тўлиқ якунланиб, мадраса фаолият юрита бошлаган деб хулоса чиқариш мумкин – вақфномада мадраса «бахтиёр хоннинг ёдгорлиги ва ҳокимият қудрати белгиси» сифатида таърифланиши ҳам, аслида, аллақачон тугалланган иморатга нисбатан берилган баҳо эканини кўрсатади.

Мадрасанинг кейинги тақдири: таъмирлаш ва йўқолиши

Муҳаммад Бадеъ Малихонинг XVII асрга оид «Музаккир ул-асҳоб» асарида қайд этилишича, мадрасадаги таъмирлаш ишлари Муҳаммад Нодирбий Оталиқ раҳбарлигида амалга оширилган; шунингдек, мамлакатдаги сиёсий беқарорлик оқибатида вақф хўжалиги бошқаруви издан чиққани таъкидланади.

XVIII асрга келиб мадраса жуда ёмон аҳволга тушиб қолгани сабабли амир Шохмурод (1785–1800 йй.) уни қайта қуриш ҳақида буйруқ берди, шундан сўнг бино ўзининг дастлабки кўринишини бутунлай йўқотди.

1874 йилда Самарқанд кўчаларида ўтказилган ўзгартиришлар, жумладан Шайбонийхон мадрасаси кўчасини тўғрилаш мақсадида бинонинг бир қисми бузиб ташланди. XX аср бошида бу меъморий ёдгорлик кичик мадраса кўринишига келиб қолган, ҳозирги вақтга келиб эса умуман мавжуд эмас[9].

Мадрасага оид қўшимча маълумотлар тарихий-меъморий адабиётда бир неча бор қайд этилган [10].

Манбашунослик таҳлили

Мадраса тарихини ўрганишда манбаларни икки катта гуруҳга ажратиш мумкин: хужжатли манба – вақфнома, ва нарратив манбалар – Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳоннинг «Меҳмонномаи Бухоро», Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоеъ», Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома», Муҳаммад Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий» ва «Зубдат ул-асрор» асарлари.

Вақфнома – мадрасанинг молиявий-хўжалик асосини, унинг қурилиш тарихи ва хизматчилари ҳақидаги маълумотларни ўзида мужассам этган асосий хужжатли манба ҳисобланади ва уни Р.Г.Мукминова чуқур тадқиқ этган. Нарратив манбалар эса воқеаларнинг замондошлари томонидан ёзилгани сабабли мадрасанинг ташқи ko'rinishi, хусусан унинг зарҳал шифтлари, кенг ҳовлиси ва баланд хужралари ҳақида қимматли тасвирий маълумотлар беради. Замонавий тадқиқотчилардан В.Л. Вяткин, Н. Веселовский, И.И. Умняков, Б.Н. Засыпкин, М.Е. Массон, Г.А. Пугаченкова ва Е.А.Давидовичнинг ишлари мадрасанинг меъморий тавсифи, тарихий тақдири ҳамда давр иқтисодий-молиявий тизими (тангалар, ўлчов birlikлари) бўйича муҳим қўшимча маълумотлар беради.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, Муҳаммад Шайбонийхон мадрасаси (Мадраса-йи Олия) тарихи Шайбонийлар даври Самарқанд меъморчилигининг ёрқин намунаси сифатида, сулоланинг диний-таълим муассасаларига ҳомийлик сиёсатини, шунингдек ҳарбий юришлар орқали тўпланган моддий бойликларнинг йирик қурилиш лойиҳаларига йўналтирилиш механизмини кўрсатади. Мадраса қурилиши 1501–1513 йиллар оралиғида уч авлод – Муҳаммад Шайбонийхон, Муҳаммад Темур Султон ва Меҳр Султон хоним иштирокида амалга оширилган узоқ жараён бўлган.

Юқоридаги таҳлил асосида қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

– Мадраса-йи Олиянинг сақланиб қолмаган қисмлари бўйича археологик қидирув ишларини Самарқанд шаҳар қадимий қатламларида давом эттириш мақсадга мувофиқ;

– вақфнома матнининг тўлиқ илмий-танқидий нашрини янгидан амалга ошириш ва уни бошқа Шайбонийлар даврига оид вақф хужжатлари билан қиёслаш зарур;

– Рўзбеҳон ва Восифий асарларидаги меъморий тасвирларни бошқа темурий ва шайбоний даври манбалари билан қиёсий ўрганиш тавсия этилади;

– В.Л. Вяткиннинг археологик хроникасида кўрсатилган маълумотларни замонавий геоахборот тизимлари (ГАТ) ёрдамида аниқлаштириш мақсадга мувофиқ;

– мавзуни Бухородаги Мир Араб мадрасаси каби бошқа шайбоний даври обидалари билан қиёсий тарзда, кенгроқ тадқиқот доирасида давом эттириш тавсия этилади.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Аъзамова Г. Самарқанд – ер юзининг сайқали, туркий тамаддун маркази [Электрон манба]. – URL: https://uza.uz/uz/posts/samarqand-er-yuzining-sayqali-turkiy-tamaddun-markazi_425215
2. Мукминова Р.Г. К истории аграрных отношений в Узбекистане XVI в. Вакф-наме. – Ташкент: Фан, 1966. – С. 11.
3. Рузбехон Ф. Мехмон-наме-и Бухара. Рукопись ИВ АН УзССР, №1414, л. 123а.
4. Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома. – Тошкент.
5. Муҳаммад Ҳайдар. Тарихи Рашидий. – Тошкент.
6. Абдулла ибн Муҳаммад. Зубдат ул-асрор (1525 йилгача бўлган воқеаларни қамраб олади); парчалар келтирилган: Бартольд В.В. Отчёт о командировке в Туркестан летом 1902 г. // ЗВОРАО. Т. XV. – СПб., 1904. – С. 193.
7. Мукминова Р.Г. Кўрсатилган асар. – С. 11 (вакфнома таҳлили).
8. Восифий З. Бадаи ал-вақаи / Критик матн, кириш ва кўрсаткичлар муаллифи А.Н.Болдырев. Т. I. – М., 1961. – С. 49.
9. Вяткин В.Л. Самаркандская археологическая хроника // Известия Средне-Азиатского Комитета по делам музеев и охраны памятников старины, искусства и природы. Вып. III. – Ташкент, 1928. – С. 276.
10. Веселовский Н. Подробности смерти узбекского хана Мухаммеда Шейбани // Труды VIII археологического съезда в Москве, 1890. Т. III. – М., 1897; Абу Тахир Ходжа. Самария. – С. 242–244; Умняков И.И. Архитектурные памятники Средней Азии. – Ташкент, 1929; Засыпкин Б.Н. Архитектурные памятники Средней Азии. Проблемы исследования и реставрации // Вопросы реставрации. – М., 1928; он же. Архитектура Средней Азии. – М., 1948; Самарканд. Краткий справочник-путеводитель / Сост. И.И.Умняков, Ю.Н.Алескеров, К.М.Михайлов. – Ташкент, 1956; Массон М.Е. Архитектурно-планировочный облик Самарканда времени Навои. – Ташкент, 1956; Пугаченкова Г.А. Архитектурные заметки // Искусство зодчих Узбекистана. – Ташкент, 1962. – С. 185.
11. Мукминова Р.Г. К истории аграрных отношений в Узбекистане XVI в. Вакф-наме. – Ташкент: Фан, 1966.
12. Рузбехон Ф. Мехмон-наме-и Бухара. Рукопись ИВ АН УзССР, №1414.
13. Восифий З. Бадаи ал-вақаи / Критик матн, кириш ва кўрсаткичлар муаллифи А.Н.Болдырев. Т. I. – М., 1961.
14. Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома. – Тошкент.
15. Муҳаммад Ҳайдар. Тарихи Рашидий. – Тошкент.
16. Абдулла ибн Муҳаммад. Зубдат ул-асрор.

17. Вяткин В.Л. Самаркандская археологическая хроника // Известия Средне-Азиатского Комитета по делам музеев и охраны памятников старины, искусства и природы. Вып. III. – Ташкент, 1928.
18. Веселовский Н. Подробности смерти узбекского хана Мухаммеда Шейбани // Труды VIII археологического съезда в Москве, 1890. Т. III. – М., 1897.
19. Умняков И.И. Архитектурные памятники Средней Азии. – Ташкент, 1929.
20. Засыпкин Б.Н. Архитектура Средней Азии. – М., 1948.
21. Массон М.Е. Архитектурно-планировочный облик Самарканда времени Навои. – Ташкент, 1956.
22. Пугаченкова Г.А. Архитектурные заметки // Искусство зодчих Узбекистана. – Ташкент, 1962.
23. Давидович Е.А. К вопросу о курсе и обращении серебряных монет в государстве Шейбанидов (XVI в.).
24. Давидович Е.А. К вопросу о размерах мискаля и батмана в Самарканде и Бухаре в XV – первой половине XVIII веков.
25. Бартольд В.В. Отчёт о командировке в Туркестан летом 1902 г. // ЗВРАО. Т. XV. – СПб., 1904.
26. Аъзамова Г. Самарқанд – ер юзининг сайқали, туркий тамаддун маркази [Электрон манба].

Тухтабеков К. А.

К.и.н., доцент кафедры «История Узбекистана»

Национальный университет Узбекистана

kozimazimbek@mail.ru

АРХИТЕКТУРА ЭПОХИ ШАЙБАНИ-ХАНА: ИСТОРИЯ МЕДРЕСЕ МУХАММАДА ШАЙБАНИ-ХАНА (МАДРАСА-И ОЛИЯ) В САМАРКАНДЕ

АННОТАЦИЯ

В статье исследуется архитектура эпохи династии Шайбанидов на примере медресе Мухаммада Шайбани-хана (Мадраса-и Олия, Ханское медресе) в Самарканде. На основе вакф-наме, нарративных источников (Рузбихан, Васифи, Мухаммад Солих, Мухаммад Хайдар) и современных исследований (Р.Г.Мукминова, Е.А.Давидович, В.Л.Вяткин и др.) системно анализируются история строительства медресе, источники его финансирования, этапы возведения, архитектурное описание и дальнейшая судьба здания в XVII–XX вв.

Ключевые слова: династия Шайбанидов, Мухаммад Шайбани-хан, Мадраса-и Олия, архитектура Самарканда, вакф-наме, источниковедение.

Tukhtabekov K. A.

Associate professor, PhD at the department of «History of Uzbekistan»

National university of Uzbekistan

kozimazimbek@mail.ru

ARCHITECTURE OF THE SHAYBANI KHAN PERIOD: THE HISTORY OF THE MUHAMMAD SHAYBANI KHAN MADRASA (MADRASA-YI OLIYA) IN SAMARKAND

ABSTRACT

This article examines the architecture of the Shaybanid period through the case of the Muhammad Shaybani Khan madrasa (Madrasa-yi Oliya, the Khan Madrasa) in Samarkand. Drawing on the waqf document, narrative sources (Ruzbihan, Vasifi, Muhammad Solih, Muhammad Haydar), and modern scholarship (R.G. Mukminova, E.A. Davidovich, V.L. Vyatkin, and others), the article systematically analyzes the madrasa's construction history, its sources of funding, the stages of its construction, its architectural description, and the building's subsequent fate in the 17th–20th centuries.

Keywords: Shaybanid dynasty, Muhammad Shaybani Khan, Madrasa-yi Oliya, architecture of Samarkand, waqf document, source studies.

ИЛОВАЛАР

1-илова. Муҳаммад Шайбонийхон мадрасаси қурилиши хронологияси

Йил	Воқеа
1501	Самарқанд Муҳаммад Шайбонийхон томонидан тўлиқ эгалланди; мадраса қурилиши тахминан шу давр билан боғлиқ
1504	Маҳмуд Султоннинг вафоти ва уни мадраса ҳовлисида дафн этиш ҳақидаги буйруқ – мадраса ҳақидаги дастлабки ҳужжатли маълумот
1508–1509	Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳоннинг мадрасани зарҳал том, хужралар, айвон ва катта ҳовлидан иборат деб тасвирлаши
1510	Муҳаммад Шайбонийхоннинг Шох Исмоил билан жангда ҳалок бўлиши ва мадраса хилхонасига дафн этилиши
1510–1514	Қурилишнинг Муҳаммад Темур Султон томонидан давом эттирилиши
1512	Зайниддин Восифийнинг Самарқандга ташрифи ва мадрасада таъмирлаш ишлари олиб борилгани ҳақидаги гувоҳлиги
1512–1513	Қурилиш ишларининг якунланиб, мадрасанинг фаолият юрита бошлаши

Йил	Воқеа
1514	Муҳаммад Темур Султоннинг вафоти ва мадрасага дафн этилиши; қурилишнинг Меҳр Султон хоним томонидан якунланиши
XVII аср	Муҳаммад Нодирбий Оталиқ раҳбарлигида таъмирлаш ишлари («Музаққир ул-асҳоб» гувоҳлиги)
1785–1800	Амир Шохмурод буйруғи билан мадрасанинг қайта қурилиши ва дастлабки қўринишини йўқотиши
1874	Кўча кengaytirish maqsadida binoning bir qismi buzib tashlangan
XX аср боши	Мадраса кичик бино қўринишида сақланган; кейинчалик тўлиқ йўқ бўлган

2-илова. Мавзуга оид асосий манбалар

№	Манба	Муаллиф / тури	Мазмуни
1	Вақфнома	Хужжатли манба	Мадрасанинг молиявий-хўжалик асоси, қурилиш тарихи ва хизматчилари ҳақида маълумот
2	Меҳмонномаи Бухоро	Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳон (нарратив)	1508–1509 йй. воқеалари, мадрасанинг тавсифи
3	Бадоеъ ул-вақоеъ	Зайниддин Восифий (нарратив)	1512 й. Самарқандга ташриф, таъмирлаш ишлари ҳақида гувоҳлик
4	Шайбонийнома	Муҳаммад Солиҳ (нарратив)	Ҳисор-Бадахшон юриши ва ундан келган бойликлар
5	Тарихи Рашидий	Муҳаммад Ҳайдар (нарратив)	Тоғли аҳолига нисбатан ҳарбий ҳаракатлар тавсифи
6	Зубдат ул-асрор	Абдулла ибн Муҳаммад (нарратив)	Балх шаҳрининг эгалланиши ва ўлжалар тавсифи

3-илова. Асосий терминлар луғати (глоссарий)

Динор – турли даврларда турли қийматга эга бўлган пул бирлиги; XV аср охири – XVI асрда Ўрта Осиёда мис танга сифатида муомалада бўлган. Вақфномага кўра, 6 фулус (мис танга) – 1 динорга, 20 динор эса 1 мисқол кумушга тенг бўлган¹.

Май (катта Самарқанд вазни бўйича ман) – оғирлик ўлчов бирлиги; вақфномага кўра 4000 «Самарқандда белгиланган қонуний мисқол»га тенг бўлган (XVI асрда – тахминан 19,2 кг). В.В. Бартольднинг фикрича, ўрта асрларда «ман» атамаси «батман» билан маънодош бўлган².

Вақфнома – мулкни (ер, бино ва ҳ.к.) диний ёки хайрия муассасасига бахшида этиш тартибини қайд этувчи расмий ҳужжат.

Мударрис – мадрасада дарс берувчи, шариат илмлари бўйича устоз.

Хонақоҳ – тасаввуф аҳли (дарвешлар, шайхлар) яшаши ва ибодат қилиши учун мўлжалланган бино.

¹Изоҳ: Давидович Е.А. К вопросу о курсе и обращении серебряных монет в государстве Шейбанидов (XVI в.). – С. 143–144; она же. Две денежные реформы в государстве Шейбанидов. – С. 110; она же. Некоторые черты обращения медных монет в Средней Азии конца XV–XVI вв. и роль надчеканов. – С. 53–56.

²Изоҳ: Давидович Е.А. К вопросу о размерах мискаля и батмана в Самарканде и Бухаре в XV – первой половине XVIII веков. – С. 52; Barthold W. Batman // Encyclopaedia of Islam. Vol. I. – С. 680.